

## СПОРТ КЛАСТЕРЛАРИ ЭСТЕТИК ТАРБИЯНИНГ ИННОВАЦИОН ШАКЛИ СИФАТИДА

**Б. Э. Ҳусанов**

ЧДПУ Ёшлар масалалари ва маънавий-маърифий  
ишлар бўйича биринчи проректор

### АННОТАЦИЯ

*Спорт ҳам эстетик тарбия воситаси сифатида замонавий инсонни камол топтиришида алоҳида эътиборга эга. Ҳозирда спортни ривожлантириши мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилиди. Бундан кўзланган асосий мақсад авлодни жисмонан бақувват, соғлом, ватанинг жасур ҳимоячиси қилиб тарбиялашдир. Мақолада айнан шу масалаларга тўхталиб ўтилган.*

**Калим сўзлар:** эстетика, спорт, мураббийлик, тараққиёт, кластер

### ABSTRACT

*Sport as a means of aesthetic education has a special importance in the development of a modern person. Currently, the development of sports has risen to the level of state policy in our country. The main goal is to raise the generation to be physically strong, healthy, brave defenders of the motherland. The article focuses on these issues.*

**Key words:** aesthetics, sport, coaching, development, cluster

### КИРИШ

Спортнинг барча турлари ўзининг бетакрор эстетик сифатларига эга. Бугунги кунда жамият тараққиёти суръатининг юқорилиги спорт мураббийларидан нафақат машғулот жараёнларини самарали ташкил этиш, балки унда ёш спортчилар эстетик қарашларини шакллантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини тақозо этмоқда. Мураббийлик фаолиятининг бу жиҳатлари айниқса, ёш спортчилар билан ишлайдиган мураббийларда асосий ўринни эгаллади. Спортга эндиғина қадам қўяётган Ёш спортчиларда эстетик қарашларни шакллантириш айниқса, бу жараёнда буюк мутафаккирларимизнинг бой маънавий-илмий меросидан оқилона фойдаланиш ёш авлодни нафақат жисмоний балки, маънавий жиҳатдан ҳам баркамол шахслар этиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади.

Спорт эстетик тарбия воситаситалари орасида энг таъсирчани ва аудиторияси кенглиги билан ажralиб туради. Чунки, инсон ўзининг эстетик тарбиясини такомиллаштирунган турли, ҳаётини тўлақонли йўлга қўйиши

мумкин эмас. Эстетик тарбия мохиятан инсоний идеал билан боғлиқ бўлганлиги сабабли ўзининг тўлақонли мазмунини спортда намоён қиласди. Чunksi, спортчи самарали натижага нафақат куч ва ҳаракат орқали балки майдон, масофа, рақибни эстетик жиҳатдан идрок этиш ва ҳис қилиши билан эришади. Шундай экан, спортчи аввало, нафис дидга, покиза туйғуларга эга бўлиши зарурий ҳолдир.

## МЕТОДОЛОГИЯ

Спорт кластерлари йўналишида илмий изланиш олиб борган В.В.Ананишнев<sup>1</sup>, В.А.Литовченко, Д.А.Зубков, Т.В.Фендел каби россиялик тадқиқотчилар “Спорт – ғалаба сари ҳаракат” (Спорт - движение к победе) лойиҳаси доирасида ўрганади.<sup>2</sup> Мазкур тадқиқотларнинг мақсади кластерни бошқариш моделига асосланган спорт лойиҳасининг самарадорлигини муҳокама қилишдан иборат бўлган. Тадқиқот ва муаммони ўрганиш методологияси Перм ўлкаси (Россия Федерацияси)нинг чанғидан сакраш ва Нордис комбинезонлари бўйича яратилган спорт кластерларида амалга оширилган. Лойиҳанинг натижаси спорт кластерида иштирок этувчи ташкилотлар томонидан муаммога биргаликда ечим топиш, тартибга солиш, молиявий, таълим ва ахборот ҳарактеридаги муаммоларни аниқлаш ва шакллантириш имконини берган.

Маълумки, жамият ижтимоий-маънавий ҳаётида спорт ва жисмоний тарбия доимо биргаликда ҳаракат қиласди. Хусусан, жисмоний тарбия асосан инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган, жамиятнинг турли ёшдаги барча табақалари ихтиёрий тарзда “ўзи учун” шуғулланадиган, оммавийлик табиатига эга машқлар ёки машқ мажмуаларидан иборат. Спорт эса, унинг қайси соҳасида бўлмасин, мутахассис устозлар назорати остида маҳсус тайёргарлик кўрган одамларнинг, асосан ёшларнинг яккама-якка ёки жамоавий тарзда беллашувини ўз ичига олади. Жисмоний тарбия қай кўринишда бўлмасин беллашувни рад этади ва инсонга турли машқ шаклларидан хоҳлаганини танлаш имконини беради. Бундан ташқари, спортда мусобақа биринчи ўринда туради ва унда муайян машқлар мажбурий тарзда бажарилади

Спорт кластерлари эстетик тарбия воситаси сифатида қуидаги хусусиятларга эга:

<sup>1</sup> Ананишнев В.В. Проблемы формирования спортивных кластеров в России / В.В. Ананишнев, В.В. Корепова // Кластеры. Исследования и разработки. – 2016. – № 2. – С. 35-38.

<sup>2</sup> Литовченко В.А., Зубков Д.А., Фендель Т.В. Спортивный кластер как инновационная форма в развитии системы подготовки спортивного резерва / Материалы Всероссийской научно-практической конференции «Экспериментальная и инновационная деятельность – потенциал развития отрасли физической культуры и спорта» 18-19 сентября 2020 г. Чайковский, Пермский край. –С. 37-42.

- а) томошабинга эстетик завқ бағишлийди;
- б) инсонда тана ва рух үйғунылигини таъминлайди;
- в) ўйин жараёнидаги вазият, натижа инсон қалбидан катарсис – фориғланиш ҳодисасини содир этади;
- г) воқеликни бадиий-эстетик ўзлаштириш орқали жисмоний ҳаракатини тартибга солиш имконини беради;
- д) яратувчанлик, ижодкорлик, қизиқарлилик каби эстетик мезонлар устуворлыгини таъминлайди.

Эстетиканинг йўналиши ҳисобланган “спорт эстетикаси” спорт соҳасидаги эстетик қонуниятларни ўрганади, спортнинг эстетик мазмунини, унинг жамият маданиятидаги ўрнини, спорт билан санъатнинг ўзаро алоқадорлигини тадқиқ этади. Спорт кластерлари эса инсон жисмоний камолотининг маънавий-эстетик жиҳатлари такомиллаштиришга хизмат қиласи.

Одатда, спорт ва жисмоний тарбия деярли доимо ёнма-ён тилга олинса-да, улар бир-биридан жиддий фарқ қиласи. Жисмоний тарбия асосан инсон саломатлигини таъминлашга қаратилган жамиятнинг турли ёшдаги барча табақалари ихтиёрий тарзда “ўзи учун” шуғулланадиган, оммавийлик табиатига эга машқлар ёки машқ мажмуларидан иборат. Спорт эса, унинг қайси соҳасида бўлмасин, мутахассис устозлар назорати остида маҳсус тайёргарлик қўрган одамларнинг, асосан ёшларнинг яккама-якка ёки жамоавий тарзда беллашувини ўз ичига олади. Жисмоний тарбия қай кўринишда бўлмасин, (индивидуалми, жамоавийми), беллашувни рад этади ва инсонга турли машқ шаклларидан хоҳлаганини ташлаш имконини беради. Спортда эса мусобақа биринчи ўринда туради ва унда муайян машқлар мажбурий тарзда бажарилади. Лекин бу мажбурийлик спортнинг маълум бир тури доирасида спортчига эркин ҳаракат қилиш имконини беради, яъни спортда ижодий ёндашув тақиқланмайди, балки қўллаб-қувватланади. Масалан, бадиий гимнастика мусобақаларида ҳар бир спортчи ўзи танлаган машқни, ўзи танлаган куй жўрлигига бажаради, лекин спортнинг ушбу турига доир қонун-коидалардан четга чиқолмайди. Шундай қилиб, жисмоний тарбияни спортга қўшиб юбориш ёки уларни айнанлаштириш мумкин эмас. Спортнинг бошқа қўпчилик турларида эса барча спортчилар бир хил машқни бажарадилар, лекин уларни бир-биридан фарқлантириб турадиган, мусобақа руҳини сақлаб, уни сўндирилмайдиган нарса, бу – ҳар бир спортчининг бир хилдаги машқ ижросига ижодий, ўзига хос ёндашувдир. Бунда спортчининг ўз аъзои бадани устидан ҳукмронлик қилиши шу ҳукмронликни эгилувчан гўзаллик, эпчиллик, улуғвор хатти-ҳаракатлар шаклида томошабинга тақдим этишини тақозо қиласи, хуллас, спорт инсон танаси гўзаллигининг намойиши

сифатида диққатга сазовор. Спортта қадимги юононлар, бундан бир неча минг йиллар аввал ана шундай нұқтаи назардан ёндашғанлар. Лекин, кейинчалик мусобақа омили гүзіллікни четта суріб, уни ғолиблик ва мағлублик билан баҳоланадиган әхтиросни үйинга, қиморнинг үзига хос турига айлантириб қўйди (қадимги Румодаги гладиаторлар баҳси, кейинчалик от пойгасига пул тикишлар в.х.).

Ҳозирги пайтда спорт жаҳон бўйлаб жуда кенг ёйилган маданий соҳа сифатида тан олинади. Айниқса, буни Ўзбекистон мисолида яққол кўриш мумкин. Бизда мустақиллик шарофати билан спортта миллий маданиятнинг узвий қисми сифатида қараш шаклланди, унинг ҳамма тури бўйича мусобақалар ўтказиш одат тусига кирди, ўзбек кураши эса умумбашарий спорт тури мақомини олди, маҳсус Маданият ва спорт вазирлиги ташкил этилди. Шу сабаб бугун Ўзбекистон спорт диёрига, инсон жисмоний гүзаллигини жаҳонга намойиш этаётган мамлакатлардан бирига айланди.

Спорт эстетикасидаги энг муҳим муаммо, бу унинг санъат билан ўхшашлигига. Шундан келиб чиқиб, замонавий спортни (жуда бўлмагандан, унинг баъзи турларини) үзига хос санъат сифатида талқин қилиш кенг ёйилган. Рэне Мэҳю, Морин Кович, Бэнжамин Лоу сингари ғарб олимлари ва кўплаб машҳур спортчилар спортни санъат сифатида қабул қилиш мумкин деган фикрни ўртага ташлайдилар. Лекин ҳақиқатан ҳам спорт санъатми, уларни айнанлаштириш мумкинми? Бу саволга тўғридан-тўғри жавоб бериш қийин. Шу боис спортнинг келиб чиқиши ва моҳиятига эътибор қилиб кўрайлик.

Маълумки, үйинни Қадимги юон файласуфлари эстетик табиатга эга эканини таъкидлаб, уни санъат билан тенглаштирганлар. Олмон классик фалсафаси вакили Фридрих Шиллер бадиий фаолиятни “ўйиннинг энг юксак шакли”, деб ҳисоблаган эди. Спорт эса, энг аввало үйин. Ундан инсон икки томонлама эстетик завқ олади: ўйинчи-спортчи ва томошабин-тарафкаш сифатида. бунда томошабин санъатни идрок этаётгандек спортчи билан уйғунлашиб, унинг хатти-харакатларига қўшилиб кетади, айни пайтда ўзи спортчи эмаслигини, яъни эстетик масофани ҳис қилиб туради. Бу борада Б.Лоу ўзининг “Спорт гүзаллиги” деган китобида Ф.Киноннинг қуйидаги фикрларини келтиради: “Театр, – деб ёзади Ф.Кинон, – томошабинга суюниб ривожланадиган санъат тури. ... Спорт мусобақаларида томошабинлар ўзларини худди спектакл томошосидагидек тутадилар: улар юксак маҳорат эгаларига қарсак чаладилар ва ёмон үйин кўрсатганга нисбатан салбий муносабатларини яширмайдилар. Спортда ҳам, театрда ҳам биз “ўйин” ҳақида гапирамиз”<sup>3</sup>.

<sup>3</sup> Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. С.92.

Бошқа бир ўринда Б.Лоу Х.Слюшернинг “Спорт ва экзистенция” китобидаги қўйидаги сатрларга эътибрни қаратади: “Спорт – токи ҳақиқий спорт экан, у эстетик фазилат ва нағисликка эриша олади. У спортчи учун чуқур маънога бой ҳолат, ... спорт ботиний яхлитликни ва юксак даражадаги ҳиссий қўтаринкиликни талаб қиласди, – деб ёзади Х.Слюшер спортчи ҳис этадиган эстетик завқ ҳақида<sup>4</sup>.

Санъат билан спортнинг яна бир ўхшаш томони шундаки, ҳар иккаласи ҳам бирор бир моддий эҳтиёжни қондирмайди, бевосита мақсад эмас, мақсадга мувофиқлик тарзида воқе бўлади, уларнинг асосий хусусияти, мавжудлигини оқлайдиган нарса, бу – одамларга эстетик завқ бериш хусусияти. Айни пайтда санъатда ҳам спортда ҳам ўйин ижтимоийлик касб этмаслиги мумкин эмас, спортчи санъаткор каби ғоявий-мафкуравий майлпарастлик табиатига эга. Санъаткор ватанпарварлик, миллатпарварлик ғояларини билвосита – бадиий асари орқали илгари сурса, спортчи ўз жисмоний хатти-харакатлари билан мусобақаларда ватан байробини қўтаришга, “миллатни уялтириб қўймасликка” интилади, яъни бевосита ва табиий равишда мафкуравийликни амалга оширади. Демак, санъат ҳам, спорт ҳам шунчаки завқ бериш ва ўз истеъодидан завқланиш билангина чегараланиб қолмайдиган ижтимоий-маънавий ҳодисалардир. Бироқ ана шу мафкуравийлик мафкурабозликка айланса, яъни ижодкор мафкура учун ахлоқийликдан чекинса, санъатда ҳақиқий бадиий асар яратишнинг иложи бўлмаганидек, спорт мусобақасида ҳам ғирромлик йўли билан, “бир амаллаб” ютиб чиқиб, ҳақиқий ғалабага эришиши мумкин эмас, зоро ҳақиқий ғалаба томошабиннинг баҳоси билан белгиланади. Масалан, футбол майдонида рақиби йиқилиб, ўрнидан тура олмаётганини кўрган футболчи ўзи қулай вазиятда бўлса ҳам, тўпни майдон ташқарисига чиқариб юборади, рақиб ўрнидан туриб, ҳакам тўпни ўйинга киритишга рухсат берганида йиқилган рақибнинг ўзи ёки командадоши уни яна майдон ташқарисига чиқариб, тўп эгаллаш навбатини ихтиёрий тарзда рақиб командага беради. Бу – ҳар иккала команда ўйинчиларининг жўмардлигини “ҳақиқий йигитлар” эканини, уларнинг фақат жисмоний эмас, балки ахлоқий жиҳатдан ҳам етуклигини кўрсатади, томошабин ҳеч қачон уларнинг бирортасини тўпни рақибига бериб қўйди деб айбламайди, афсус чекмайди, аксинча хурсанд бўлади, намойиш қилинган мардликдан завқланади.

Қадимги юнонлар санъатни “тўзал ёлғон” деб атаганлар, дарҳақиқат, санъаткор бизга “бўлмаганни бўлган қилиб” кўрсатади, бизни чиройли алдайди. Спортнинг кўпгина турларида ҳам шунақангি чиройли алдовни томоша қилиб

<sup>4</sup> Ўша манба. С. 177.

завқланамиз. Масалан, бояги футболга қайтайлик: ҳужумчи рўпарасидаги рақибини, футбол тили билан айтганда, “чиройли финтлар” билан алдаб ўтганида биз ҳақиқий санъатни кўрамиз. Ҳатто репортаж олиб бораётган журналист қойил қолганидан “Гўзал! Бағоят гўзал!” демай иложи йўқ. Спортнинг фигурали учиш, бадиий гимнастика, синхрон сузиш, сувга сакраш каби турлари рақс санъатидан қолишмайди, фигурали учиш эса ўзига хос муз устидаги балет, унда ва бадиий гимнастикада мусиқа санъати ҳам иштирок этади. спорт жисмоний гўзалликни хулқий гўзаллик ва гўзал хатти-ҳаракатлар воситасида маънавий гўзалликка айлантиришдир. Шу маънода спортчи ҳам артист. Моҳир спортчи ўзини бир муддатга жонли ҳайкалга айлантира олади.

Шулар билан бир қаторда спорт санъат учун материал бўлиб хизмат қиласи. бунга ўзимиз гувоҳмиз: биз спорт мавзуидаги рангтасвир, графика, ҳайкалтарошлиқ намуналарини кўп кўрганмиз, ҳикоя ва қиссаларни ўқиганмиз. Бироқ, буларнинг ҳаммаси спортни санъат деб қабул қилишимиз учун етарли асос бўлолмайди. Буни спорт эстетикаси борасида жиддий тадқиқотлар олиб борган, юқорида номи зикр этилган Б.Лоу шундай таърифлайди: “Инсон баданининг – табиий шаклдаги гўзаллик эканини, спортчи қиёфаси идеал бадан тузилишини ўзида мужассам этишини эътироф қиласи эканмиз, спортдаги гўзалликни санъатдан кўра табиатга тааллуқли дейишимиз мумкин, зеро спортдаги гўзаллик кўп ҳолларда тасодифийлик хусусиятига эга”<sup>5</sup>. Б.Лоу айнан мана шу ўринда ҳақиқатга яқин келади, деб ўйлаймиз: спортда санъат унсурлари мавжуд, лекин у бутунисича олганда, санъат эмас. Яъни спорт эстетик кўринишларга эга, эстетик завқ уйғота оладиган носанъат соҳа. Спорт эстетикаси унинг ана шу хусусиятларини тадқиқ этади.

Спорт кластерининг яна бир ўзига хос жиҳати шундан иборатки, у спорт жамоаси (ёки муассаса)нинг биргаликдаги фаолиятининг самарали ва истиқболли шакли бўлиб, уни барча жамоавий спорт турларида амалга ошириш мумкин ва бу ўзининг ижобий натижасини беради.

Ўтказилган ушбу амалиёт гарчанд, кластер иштирокчиларининг биргаликдаги фаолиятини ташкил этишга асосланган бўлсада, унинг қамровлилик даражаси тор йўналиш билан чекланганлигини кузатиш мумкин. Сабаби, “Спорт – ғалаба сари ҳаракат” лойиҳасининг асосий ғояси “ёзги лагер” туридаги ўқув-машғулот йиғинларини спортнинг муайян тури (масалан, тоғ чанғиси) воситасида, фақат битта спорт турига мансуб бўлган, шу спорт билан мунтазам шуғулланувчлар ўртасида амал оширилган. Қолаверса, ҳорижлик мутахассисларни жалб қилган ҳолда асосий эътибор таълим ва ўқув

<sup>5</sup> Ўша манба. С. 23-24.

тадбирларини ташкил этишга қаратилган, холос: спортнинг эстетик хусусиятлари ва жозибадорлиги бу методологияга асосланган амалиётда намоён бўлиши қийин кечади.

Бироқ, ҳозирги пайтда ёшларни спортга кенг жалб этиш, спорт воситасида тарбиявий фаолиятни тизимли йўлга қўйиш, айниқса, таълим муассасаларида бўш вақтни самарали ташкил этиш муҳим ижтимоий-эстетик эҳтиёжга айланган. Шу нуқтаи-назардан олганда, “Спорт – ғалаба сари ҳаракат” лойихаси спортни оммалаштириш, спортнинг эстетик жозибадорлигини ошириш, спортнинг эстетик хусусиятларини индивидуал ва жамоавий спорт турлари орқали ривожлантириш йўналишидаги бўшлиқни қисман тўлдиради, холос.

Эстетик дунёқарашни шакллантиришда спортнинг функционал эстетик талабларини назарда тутиш лозим. Бу борда, Мишел Бое ҳам ҳаракатдаги, ҳам мувозанатдаги гўзаллик тушунчасини “Спортчи ўз эътиборини кўпроқ ўзининг ҳаракати, пластикасига қаратади. Буларнинг барчаси эстетик объект сифатида томошабинда эстетик туйгуни уйғотади.<sup>6</sup>-дея изоҳлаган эди.

Дарҳақиқат, масалан, спорт гимнастикасида спортчи ҳаракатларининг нақадар гўзаллигини кўра билиш, тушуниб этиб ва баҳолашни айтиш мумкин.

Одатда, гимнастика - ифода шаклидаги спорт. Унда олдиндан маълум машқлар танланади ва ифодалашга асосланган эстетик компонентларга эга бўлган композитсияга бирлаштирилади. Шунинг учун ҳам гимнастикадаги бадиийлик санъатга дахлдор бўлади. Гимнастикада санъатни тушуниш учун қўлланиладиган мезонлар равонлик, ижрочилик, ҳаракат амплитудасидан фойдаланилади, унинг тўла ҳажми эстетик мукаммалликка олиб келади. Гимнастика машқларидаги эстетик ҳаракатлар ижро этиш жараёнида томошабинларда ҳам эҳтиросли ҳис туйғу уйғотади.

Шунинг учун ҳам гимнастикада спортчининг соф спорт маҳоратидан ташқари унинг ҳатти-ҳаракатларидаги гўзаллик - спорт эстетикасининг ўзига хос ифодаси ҳам баҳоланади. Халқаро гимнастика федератсияси қоидаларига биноан гимнастика машқлари эстетик мазмунини баҳолашда қуидаги кўрсаткичларга асосланади:

1. Машқлар мураккаблиги;
2. Композицияни ташкил этилиши;
3. Ижрочилик-гимнаст чиқишининг техникавий маҳорати ва услуби.

Ёрдамчи жиҳатларда қуидагилар ҳисобга олинади:

1. Танланган композициянинг қанчалик даражада мураккаблиги;

<sup>6</sup> Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. С.103.

2. Композитсияни оригиналлиги, унинг янги элементлар, комбинатсиялар билан бойитилганлиги.

3. Моҳирлик - ижро гўзаллиги, ҳаракат хилма-хиллиги, эркинлик ва амплитуданинг учиш юксаклиги билан уйгунилиги, табиийлиги, бирор нуқсон қилинганда йиғинчоқлик таъсири.

Ҳаракат позитсиясидаги мураккабликларни юқори савияда, нуқсонизиз ижро этиш, тана ҳолатини ўзгаришида, уни кейинги ҳаракаттга тайёрлашда машқлар нозиклигини таъминлаш спортчига ҳам, томошабинга ҳам кучли эстетик хузур бағишлайди.

Мураккаблик - спорт гимнастикаси эстетик мазмунини аниқлашнинг асосий омилидир. Бунда мураккаб элементлар қанчалик кўп бўлса, гимнастнинг ижодий имконияти шунчалик юқори бўлади.

Ундан кейинги ўринда композитсия: машқлар мазмуни учун белгиланган коидалар талаби нуктаи назаридан айрим элементлари ортиқча ҳаракатларсиз гўзал ва бемалол ўзаро боғланган бўлиши лозим. Бадиий ифодаланишнинг мураккаблиги (ижро чиғириш, томошабинга ҳам) эстетик роҳат беради. Энг муҳими - ритм, суръат, ўзгарувчанлик - булар спортчи фаолиятининг асосий эстетик элементларидир. Албатта ижрони ажойиб, бадиий намойиш этиш - бу гўзалликдир. Санъатда бу образлилик дейилади.

Композицияда ўз-ўзини ифодалаш ҳам бадиий мезон саналади. Ижодий фикрловчи гимнаст ўзининг чиқишиларига санъаткор сифатида муносабатда бўлади. Спортчи - шахс, у спортга ўзининг билиш ва ижодий имкониятини ривожлантириш жараёни яъни “санъат - буни томошабин кўриши ва ҳис этиши керак” деган тарзда қарайди.

Гимнастларнинг эстетик завқ берувчи ҳаракатлари хусусида Тадлер қўйидагича фикр билдирган: “Гимнаст ижро нозиклигини, хилма хиллигини, ҳаракат эркинлигини, сакраш амплитудасини, ҳаракат мураккаблиги ва элементлар хавфлилигини энгиш билан бирга, буларнинг барчасини таассуротли жушқинликда бирлаштира олганда, у ўз маҳоратини белгилайдиган ички мазмун ва гормония бойлигини ифодалайди”<sup>7</sup>.

Жисмоний маданиятнинг юқорида санаб ўтилган эстетик жиҳатлари ва унинг гўзаллик мезонлари бир қарашда педагогикага алоқаси йўқдек туюлиши мумкин. Зеро, унда спорт назарияси, унинг фалсафий талқини ва таърифиға эътибор қаратилган. Аслида унинг ҳар бир мезони фақат педагогик ҳаракат касб этади ва педагогик жараённинг маҳсулидир. Чунки ҳар қандай хислат, сифат, малака, кўникма, тарихий ва назарий билимларни эгаллаш жараёни

<sup>7</sup> Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. С.103.

таълимий ҳамда тарбиявий ҳодисанинг натижасидир. Шу тариқа улар бир-бири билан узвий бирликда содир бўлади. Юқорида таърифланган эстетик жиҳат ва унинг гўзаллик мезонларининг ижтимоий-педагогик ҳодиса эканлигини яна бир бор таъкидлаш учун жисмоний маданиятнинг таркибий компонентларидан айримларини педагогик ёндашув асосида кўриб чикамиз:

Биринчи жиҳат - спортчи профессионал сифатида тан олиниши учун, у шубҳасиз маҳоратли бўлиши лозим. Маҳорат эса тинимсиз машғулотлар жараёнида таркиб топтирилади. Бу педагогик жараён маҳсулидир.

Иккинчи жиҳат - спортдаги ижод. Спортчи шахсини тарбиялаш педагогик жараён маҳсули эканлиги исбот талаб қилмайди. Тарбия жараёнида спортчининг жисмоний сифатлари билан бирга ижодий сифатлари ҳам шакллантириб борилади. Спортчининг машқлар ижросидан баҳраманд бўлиш эстетик завқ бахш этади. Демак, бу эстетик тарбия жараёнидир.

Учинчи жиҳат - мусобақа. Мусобақанинг барча турларида педагогик жараён, ҳодисалар иштирок этади. Унинг спортга оид жиҳатларидан ташқари бир қатор аҳлоқий-Эстетик томонлари ҳам мавжуд. Ҳар қандай спорт мусобақасидан аввало эстетик завқ олиш лозим. Аҳлоқий жиҳат шундан иборатки, унинг талаблари асосида маданиятли ишқибозлик қилишга ўрганиш муҳим педагогик аҳамият касб этади. Бу педагогик аҳамият кўп ҳолларда ижтимоий-сиёсий воқеага ҳам айланиб кетади. Спорт тарихида айнан мана шу маданиятнинг заифлиги туфайли айрим спорт мусобақалари фожеали якунланган. Айниқса, футбол мусобақаларида “италян тиффозилари”, инглиз ёки рус “фанатлари” деб аталадиган “ижтимоий нуқсонлар” пировард натижада, педагогиканинг чала бажарган иши оқибатидир. Ҳар қандай фожеа – даҳшатлидир: фожеа - эстетиканинг тескарисидир.

Шу боис, спорт кластерларини эстетик тарбияга йўналтириш, шунингдек, спорт таълимини эстетик тарбия билан узвийлигини таъминлашда “Гимнастрада” мусобақалари муҳим ўрин тутади.

Умуман олганда, “Гимнастрада мусобақасининг Концепцияси” талabalар ўртасида спортни оммалаштириш ва жисмоний маданиятни ривожлантиришга қаратилган фаолият тартибини белгилайди.

## ХУЛОСА

Таъкидлаш зарурки, спортчиларнинг эстетик қарашларини шакллантиришда спорт машғулотлари алоҳида ўрин тутади. Агар спорт эстетикаси ўз ҳарактерига кўра бир қанча категорияларга бўлиннишини назарда тутсак, бу категорияларни тўғри талқин этиш ҳам спортчилар эстетик

тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Бу борада Бенджамин Лоу ҳаракатни гўзаллик сифатида шахсан ҳис этишни субъектив эстетика, спорт гўзаллиги томонидан идрок этишни эса - объектив эстетика деб атайди<sup>8</sup>.

Объектив эстетика биз учун айниқса, қизиқиш туғдиради. Бу гўзалликни спортга бўлган муносабатда ҳис этишдир. У албатта, бадий қимматга эга бўлиши, айни пайтда интеллектуал билиш ва ҳиссий (аҳлоқий) таъсирга эстетик даъват этиши лозим. Санъат асари тўғрисидаги объектив эстетик фикрларни (ҳатто спорт мавзусида бўлмаса ҳам) спортдаги гўзалликни аниқлашга кўчирилади, унда спортчининг муайян ҳаракати бадий ҳаракат сифатида идрок этилади. Ҳатто тасвирий санъат асарини идрок этиш мантифидан спорт эстетикаси, яъни композитсия, расмлар, чизиқлар, шакл, оҳанг, динамика, экспрессия, колоритни идрок этишда ҳам фойдаланилади. Бироқ, спорт мавзусидаги асарларни идрок этиш икки хил ёндашувни - ҳам санъат нуқтаи назаридан, ҳам спорт нуқтаи назаридан қарашни талаб этади.

## REFERENCES

1. Ананишнев В.В. Проблемы формирования спортивных кластеров в России / В.В. Ананишнев, В.В. Корепова // Кластеры. Исследования и разработки. – 2016. – № 2. – С. 35-38.
2. Литовченко В.А., Зубков Д.А., Фендель Т.В. Спортивный кластер как инновационная форма в развитии системы подготовки спортивного резерва / Материалы Всероссийской научно-практической конференции
3. «Экспериментальная и инновационная деятельность – потенциал развития отрасли физической культуры и спорта» 18-19 сентября 2020 г. Чайковский, Пермский край. –С. 37-42.
4. Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. С.101.

<sup>8</sup> Лоу Б. Красота спорта. М., Радуга, 1984. С.101.